

Ўрта Осиё сабзиси

З.Т.Бўстонов – к.х.ф.н.,доцент (АКХИ)

Сабзи (*Daucus carota* L) – соябонгулдошлар оиласига кирувчи икки йиллик ўсимлик бўлиб, ҳаётининг биринчи йилида ер усти тўп барги ва ширали илдизмеваси ҳосил бўлади. Иккинчи йили гул поя чиқаради, гуллайди ва уруғ беради.

Сабзи озик-овқат маҳсулоти сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Унинг илдизмеваси таркибида 11,23% қуруқ модда, 1,16% оқсил, 6,24% қанд, 1,67% целлюлоза ҳамда минерал тузлардан темир, фосфор, калий, кальций, магний ва бошқа микроэлементлар мавжуд. Сабзининг яна бир қимматли томони-таркибида А витамини-каротин кўп бўлишидир. (8-10 мл.грамм). Айрим навларнинг 100 грамм ҳўл мевасида А витамини-каротин миқдори 37 мл. граммгача бўлиши кузатилган. Келиб чиқишига кўра, Ўрта Осиёда ўсадиган сабзилар Шарқий Осиё сабзиси тур хилларига киради-(SSp/Orientalis (Rubosch. Seich).

Осиё кенжа турига кирадиган сабзилар (convar orientalis) Ўрта Осиёнинг ҳамма жойида, тоғли зоналарда, денгиз сатҳидан 3300 метр баландликда жойлашган ерларда ҳам учрайди. Сабзининг Осиё маданий тури классификацияси бўйича қуйидаги турларга бўлинади: *Yar.afghanus* – оқ сабзи. *Yar. Shavrovfi* Mazk-сарик сабзи. *Yar zhukovskii* (Mazk) Setch – тўқ сарик (каротинга бой) сабзи. *Yar. Roseus* Mask-пушти (кизил каротинга бой) сабзи. *Yar.Bohmeint* (Schmeint) Mazk – қизғиш бинафша сабзи ва *Yar.Vavilovii* Wazr-тўқ қизил сабзи.

Н.И.Вавилов Осиё сабзиси шаклланишининг иккинчи ўчоғи Ўрта Осиё эканлигини ҳамда бу ерда жуда кўп сабзи турлари келиб чиққанлигини ва тарқалганлигини аниқлади. Бугунги кунда Ўрта Осиёда сабзининг 4 та ботаник оилага кирувчи турлари маданийлашган. Улар денгиз сатҳидан 2650 метр баландликкача бўлган регионларда яхши ўсиб ривожланади ва етиштирилади.

Бу навлар оқ сабзи (*Yar.afghanus*)-тўқ қизил (*Yar.Vavilovi* Mazk), тўқ қизил сабзи (*Yar.zhukovskii* Mazk Setch) ва пушти сабзи (*Yar.rjseus* Mask) турлари тарқалган.


Оқ сабзининг фақат маҳаллий навлари экилади. Шунингдек, сабзининг пушти навлари ҳам бизда кам тарқалган. Ўзбекистонда сарик сабзи навлари кенг тарқалган. (*Yar. Shvrjvii* Mazk), «Сарик мирзойи-304», «Мшак-195» ва «Нурли-70» каби навларни етиштириш фермерлар томонидан анъанавий оммалаштириш йўли билан маданийлаштирилмоқда. Сарик сабзининг илдиз мевалари асосан халқимиз энг суйиб истеъмол қиладиган таом-палов тайёрлашда ишлатилади.

Марказий Осиёда сабзини маданийлаштириш билан халқ селекционерлари ва олимлари қадимдан шуғулланиб келишади. Қадимги даврлардан маҳаллий аҳоли кенг миқёсда тўқ сарик сабзи етиштириш билан шуғулланган. Шунинг учун сабзининг Европа турлари ҳисобланган

«Қизил мирзойи-228», «Нантская-4» ва «Шантане-26» каби навлари ҳам Ўзбекистонда кенг тарқалган.

Осиё сабзиларнинг маҳаллий навлари Европа навларига қараганд қора совуққа чидамлироқ ва селекция учун бошланғич материал бўла олади. Ўзбекистонда 1999 йилдан буён сабзининг маҳаллий турларини йиғиш бўйича экспедиция иш олиб борапти. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида 19 та тур, тўқ сарик сабзи (Yar.zhukovski Mazk Setch) маҳаллий нав намуналари тўпланди. Улар шакли, узунлиги, илдиз мевасининг ранги, кимёвий таркиби, мазаси ва хосидорлиги жихатидан бир биридан фарқ қилади.

Тупланган материаллар ўрганиб чиқилиб, чапиштириш ишлари олиб борилади. Олинган F1 гибриди умумкомбинацион хосилдорлик ва илдизмеванинг хажми бўйича юқори хусусиятга эга эканлиги аниқланди. Олиб борилган тадқиқотлар ёввойи сабзининг тозаланган самарасиз (стерильность петалоид) типини тасдиқлади ва ярим тозаланган самарасиз шакллари топилди. 2003 йилда сабзи уруғларини Андижон қишлоқ хўжалиги институти тажриба участкаларида экиб, улардан оналик материаллар ажратиб олинди. Олинган материаллар келгуси йилда очик далаларга экиб парвариш килинди. Тажриба давомида сабзининг цитоплазматик самарасиз типлари (петалоид ва браун), ярим тозаланган шакллари топилди. Ўратепа ва Бухоро вилоятидан «Қизил мирзойи» маҳаллий навлари келтириб, бу навлар бўйича селекция ишлари олиб борилмоқда.



Сарик мирзойи
(*Dacus carota*, var. *Shavrovii* Mask).

